

ФОТОРЕ-ПОРТАЖ

Колхоз мактаб-интернати

Дурмон қишлоғидан салгина юрилгач, Луначарское шоссе-нинг шундоқ бўйида, куча томони темир-бетон конструкцияли панжарагулчи девор билан иҳота қилинган уч қаватли кўркам ва муаззам бир бино кўзга яққол ташланиб туради. Бино фасадининг икки қанотида рус ва ўзбек тилларида: «Қизил Ўзбекистон» колхозининг В. И. Ленин номи мактаб-интернати, 1958 йил» деган сўзлар қабартиб ёзилган. Пастроқда эса «Ўқиш, ўқиш яна ўқиш, Ленин» деган лавҳа.

Ҳа, бу мактаб-интернат Оржоникидзе районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхозиники. Мактаб биносини колхоз 6,5 миллион сўмга яқин маблағ сарфлаб, ўтган йили қурдирган. Ўқишлар ҳам ўтган йили октябрь ойида бошланган. Бу мактаб-интернат кучоғида тарбияланаётган болаларнинг деярли ҳаммаси шу колхоз аъзоларининг фарзандлари.

... Бу ерда ҳаёт жуда эрта бошланади. Навбатчи IV синф ўқувчиси Махмуд Жумабоев соат стрелкалари еттидан ўттиз минут ўтганини кўрсатиши биланоқ уйғотиш командасини чалиб, горнини янграйтиб юборди. Ўғил-қизлар мактабнинг турли залларига саф-саф бўлиб югуришди. Ҳамма ўн беш минутлик физзарядкадан кейин ўзини янада соғлом, тетик ҳис қилди. Кейин ўғил-қизлар махсус хонада ювиниб ўз хоналарига тарқалишди.

Мана учинчи ётоқхона. Бу хонада болаларнинг бўй-бастига мос 8 кровать қўйилган. Кроватлар усти ҳшиллаб тўшалган: икки тў-



Мактаб-интернат биносининг умумий кўриниши.

нинг чегреларини тайёрлаб келган экан, улар орасида болалар завиқ билан ўйнайдиган ва педагогга талабларига мос келадиган сунъий ёмғир аттракцион, турли қайиқ, ҳаво билларди, ер билларди, маруселлар, куч ўлчовчи аппаратлар ва ҳоназорлар бор.

Мактаб директори, халқ маорифи аълочиси Абдулла Алматов интернатнинг келажаги, яқин орада қилинадиган ишлар ҳақида тўлқинланиб гапирди.

— Шу йил сентябрь ойида мактабимизда 400 бола ўқийди. Бунинг учун ёз ойларида яна бир ётоқхона қуриб битказилади ва фойдаланишга топширилади. Бора-бора мактабимиздаги синфлар сони кўпайиб, у ўн бир йиллик умумий таълим политехника меҳнат мактабига айланади. У чоғда ўқувчиларнинг сони 800 га етди. Ҳозир колхознинг 10 кентарлик ҳосилга кирган олмазорини мактаб ихтиёрига олди. Ўқувчиларимиз бу боғни парвариш қилиб, боғбонлик хунарини ҳам ўрганадилар. Боғнинг меваси эса мактаб аҳтўбеларигагина сарфланади. Яқинида колхоз фермаси бор. Келаси йилдан юқори синф қизларидан махсус бригадалар тузани, ўқувчиларимиз ферма ишларида бевосита қатнашадилар. Яна мактабимиз учун теплица, янги-янги устаконалар, стадион қуралиб. Бу ишларга «Қизил Ўзбекистон» колхозни правлениси бевосита ва яқиндан ёрдам бермоқда.

Колхоз билан мактаб ўртасидаги алоқа бундан кейин ҳам кучаяр экан. Бу йил колхоз 30 тектар ер-



Ўқувчилар ётоқхонасида.

шак устидан оппоқ чойшаб ёпилган. Кейин гулдор иссиқ одеяллар ташланган. Оппоқ жилд ичда парфүв болишлар. Девор томонда эса чиройлик майзарани ахс эттирувчи болалар гиламлари осилган. Ўртада, уйнинг тўрида, деворга тақозлик шифоньер турибди. Бунда болаларнинг дарс пайтлари қийинга майин мовутдан тикилган бир хил форма—кийимлари, уйда қийинга мошранг чийдубоҳа халатлари ва бошқа кийим-кечаклари қўйилади. Ҳар бир крватча боғида оппоқгина хитой сочини ташлаб қўйилган.



Қизлар дарсага йўл олдилар.

Қизлар хонасида ҳам таралуд натта. Мана бир хонада IV синф ўқувчилари истиқомат қилинади. Бунда Масуда Маъмуранинг сочларига лента боғлашди. Ойна олдидаги Наро-

мат, Муҳаббат, Холдиллар эса бир-бирларининг галстук, лента, ёқаларини тўғрилашайпти. Бир-бирларига меҳрибонлиги, ақиллиги, илиқ муомалалари, губорис чехраларидаги табассум уларнинг бахтли ҳаётидан ёркин нишона бўлиб, киши эътиборини беихтиёр жалб этади. Шу зайл ҳамма ётоқхоналарида нонуштага тайёрларлик бормоқда. Ҳадемай, ётоқхона коридорлари, зинапоилари мактаб вестибюли гавжум бўлиб қолди.

Мана гангур-гангур гаплашиб, ширин табассум, шўх кулги билан қизлар юқори қабат зинапоиларидан тушиб келишайпти. Улар бахтиёр кўнрақ ўғил-қизлар оғидаги билим асосларини кўя бошладилар. Коридорларда сув қуйгандек жимжитлик. Фақат дарс темасини тушунираётган ўқувчиларнинг гапи ёки жавоб бераётган ўқувчиларнинг қўнғироқдек овозлари эшитилиб қолади.

Чехрасидан болаларча самимийлик ва меҳрибонлик аломатлари аримайдиган, чорпахил киши — ўқитувчи, Ҳамид Файезич ўттиз йилга яқин умрини педагогик ишга сарфлаган. Ҳамид ака чиндан ҳам болаларнинг севимли отахони бўлиб қолган. У бугун ҳаво очиб бўлгани сабабли 3, 4, 5-синф ўқувчиларини мактаб ҳовлисига олиб чиққан. Уларга ҳовлини планерка қилиш ҳақида тушунча бергач, болалар мактаб территориясини текислашга, тош, гинг ва бошқа нарсаларни йиғиштиришга тутинадилар. Болалар эса ақиллик билан, бир-бирларига кўмаклашиб ишлайдилар.

Танаффус даратини берган қўнғироқ чалиниши биланоқ болалар ўз хоналарига тарқалдилар, айримлари эса севимли ўқитувчилари атрофида қолдилар, унга ўз ишларини кўрсатишди, саволлар беришди.

— Биз ҳам ўттиз-ўттиз беш йилча бурун шулардек мактаб-интернатда таълим олардик. Бизга ҳам ўша вақтлардаёқ жоважон партиямиз ва ҳукуматимиз оталардек гамхўрлик қилиб, ўз кучоғида авайлаб тарбия қиларди. Ўша пайтда биз билан бирга ўқиган болаларнинг кўпи ҳовир халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилишайпти. Синфдошим Парда Турсун таниқли ёзувчи бўлиб етишди. Иззат Султон эса алабидетчи-олим, ёзувчи-драматург бўлиб танилди. Мен эса ҳаётимни халқ маорифи ишига бағишлайман. Қаранг, ўттиз-ўттиз беш йил-

ча бурун интернатда тарбияланган бола мана энди ўзи интернат ўқувчиларига билим бермоқда. Ана шу қувноқ ўғил-қизларнинг ҳар бири ўсиб, улғайиб, бизнинг ишларимизни давом эттирса, улар орасидан академиклар, агрономлар, раҳбар кадрлар, ижодкор кишилар етишиб чиқса не ажаб. Улар ўн бир йиллик мактабимиз бағрида билим олиш билан бирга турли касбларни ағаллайдилар, меҳнат кўникмалари оладилар, хуллас, ҳаётда ўз ўринларини топган, жамиятимиз учун фойдали, билимдон ва хунардан бўлиб етишадилар.

Мактаб-интернат бағридаги қўшимча биналар ҳаммаси перспективалик қилиб қурилган. Мана бир йўла 150 ўқувчи ўтириб овқатлана-



Дурадгорлик устаконасида.

диган ошхона. Дарсдан чиққан болалар отряд бўлиб, ошхона олаиди айвонда саф тортидилар. Бешинчи синф ўқувчиларидан И. Бердиев билан Р. Раҳматов навбатчилик қилиб турибдилар. Улар жиддий бир вазиятда болаларнинг уст-бошига, оёқ кийимларининг тозаллигига раам соладилар кейин ошхонага битта-битта ўтказдилар. Ошхонада ҳар кимнинг ўзига белгиланган жойи, столи бор. Овқатни ошхона ходимлари олиб келишади, ўқувчилар эса унга кўмаклашадилар. Навбатчилар — юқори синф ўқувчилари идиш-товоқ ташшайди, дастурхон тузатишади, бўшаган идишларни олиб бориб, ювадиган жойга қўйишади. Хуллас, ошхонада ҳам болаларнинг ўз кучларига яраша меҳнат, ўз-ўзига хизмат қилиш яхши йўлга қўйилган.

Бугунги тушлик овқат ҳам жуда лаззатли бўлибди. Сервүшт суюқош, кетидан шавла, сўнг эса кресель ёки компот келтирилади. Болалар юмшоқ, оппоқгина но билан лаззатли таомларни иштаҳа билан ейдилар.

Мактаб-интернат педагоглари коллективи ўқувчиларнинг меҳнатга бўлган ҳавасини ошириш соҳасида кўпгина ишлар қилмоқда. Болаларнинг ёшга, синфига, қобилиятига қараб маълум вақт ажратилиб, меҳнат дарслари ўтиш, баъзи юмушларни бажариш, қизиқарли машғулотлар олиб бориш каби тадбирлар йўлга қўйилган. Мактабнинг физкультура залида эса ўқувчилар доимо бирор машғулот билан банд бўладилар. Мана, ўқитувчи Ю. Мататов 4-синф ўқувчилари билан турли гимнастика машқули, фигурали пирамидалар ясаш каби машғулотларни тақоррламоқда.

Дурадгорлик устаконасида эса болалар ишга берилиб кетишган. Бу ерда дурадгорлик касбини севиб қолган, бун вақтини шу ерда ўтказадиган болалар кўп. Туроб билан Абдулла чиройликкина рамкалар ясаптилар.

Тўртинчи синф ўқувчиси Муҳаббат эса бўш қолди дегунча каштасини қўлга олиб тикканистикан. Атрофни Холла, Норхон сингари дугоналари ўраб олиб, унинг ишига узоқ-узоқ вақт раам солиб туришади. Муҳаббат қўлларини худди чеварларникидек ўйнатиб, чиройлик гуллар тинади. Мактабда Муҳаббат сингари чеварлар, чеварликка ҳавасмандлар кўп.

Ўқувчилар бўш вақтларини турли фойдали машғулотлар, қўнғироқчи суҳбат ва бошқа ишларда банд бўлиб ўтказадилар. Улар учун 250 кишига мўлжалланган катта мажлислар зали қурилган. Бу ерда телевизор дейсизми, радио дейсизми, музика асбоблари дейсизми, ҳамма нарса бор. Вақти келиб мактаб бадий ҳаваскорларининг концертлари ҳам шу ерда бўлади.

Пионерлар хонаси эса ўқувчиларнинг бўш вақтлари учун ажратилган соатларда доимо гавжум бўлади. Каттагина хона ўртасига қўйилган узоқ стол усти тўқайил рангдаги мовут билан ёпилган. Стол устида шахмат-шашка, доминолар, Болалар тўртта-тўртта, бешта-бешта бўлиб олиб ўйинга берилиб кетишган. Эркин битта дамқаси қолган бўлса ҳам, Абдураҳмоннинг тўртта дамқасига туттич бермапти. Рихсий билан Ҳомид ўртасидати домино ўйини жиддий тортишувлардан сўнг Рихсийнинг фойдасига ҳал бўлди. Ойпошша билан Ҳамид эса глобус олдида ўтланган темани тақоррлашайпти.

Ленин мактаб маъмуриятининг, педагоглар коллективининг иши жуда кўп. Мактаб янги бўлганлиги учун унинг камчиллари, ҳали битмаган жойлари, қилинадиган ишлар кўп. Инженер-конструктор Федор Яковлевич Крейс мактаб-интернат стадиони ва физкультура майдони учун 62 хил турли аттракцион-



Физкультура залида машғулот пайти.

ни мактабга ажратиб беради. Болалар бу ерга пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экантри экиб, ўзлари парвариш қиладилар ва ҳосилни йиғишда қатнашадилар.

Кечкурун соат 9 га яқинлашди. Директор кабинетига ўқитувчи Надия Шокирова кириб келиб, ўзининг навбатчилиги тўтаганлиги ва мактабдаги ҳамма ишлар кун тартиби бўйича олиб борилганлиги, ҳеч қандай қўнғилсиз воқеалар содир бўлмаганлиги ҳақида рапорт беради. Янги навбатчи тайинланади. Мактаб-интернатдаги ҳаёт қунак-қуна гуркураб, шу йўсин сермазмун бўлиб бормоқда.



Навбатчи Н. Шокирова мактаб директорига рапорт бермоқда

Оржоникидзе район, «Қизил Ўзбекистон» колхозиде.

Бу саҳифани М. ЯХЕЕВ билан В. САЛОВ уюштирган.



Суратларда: 1. 2-синфда инглиз тили дарси. 2. Мактаб-интернат ўқушонасида. 3. Исмагулла билан Ойпошша географиядан дарс тайёрламоқда. 4. Муҳаббат кашта сини қўлга олди.

